

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

УЎК (УДК, UDC): 821.133.1
DOI: 10.36078/1570169290

“ПАРМА ИБОДАТХОНАСИ” РОМАНИ ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ



Дилноза Кулдашевна АЧИЛОВА

Катта ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон
28-diya@mail.ru

Аннотация

Муаллиф француз ёзувчиси Стендал каламига мансуб “Парма ибодатхонаси” романининг ўзбек ва рус тилидаги таржималарини қиёсий ўрганган. Мақолада Ҳасан Тўрабеков таржимаси асос қилиб олинган. Шунингдек таржимон маҳорати, ҳис-туйғуларни аниқ тасвирловчи ибораларни ўз ўрнида қўллай олгани, асар бош қаҳрамони Фабрицио дел Донго образини маҳорат билан қайта яратилганлиги хусусида сўз боради. Мазкур мавзу қиёсий-тавсифий метод асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: бевосита ва билвосита таржима; универсаллик; ихтисослашиш; таржимон интуицияси; таржимада узунлик ўлчовлари.

СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПЕРЕВОДОВ РОМАНА СТЕНДАЛЯ «ПАРМСКАЯ ОБИТЕЛЬ»

Дилноза Кулдашевна АЧИЛОВА

Старший преподаватель
Узбекский государственный
университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан
28-diya@mail.ru

Аннотация

В статье посредством сопоставления проанализированы переводы на русский и узбекский языки романа французского писателя Стендаля “Пармская обитель”. В статье приведены примеры перевода Хасана Турабекова. Также говорится о профессиональном мастерстве переводчика, уместном применении языковых единиц, выражающих чувства, искусном воссоздании образа главного героя романа Фабрицио дель Донго.

Ключевые слова: посредственный и непосредственный перевод; универсальность; специализация; интуиция переводчика; меры длины в переводе.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE INTERPRETATIONS OF THE NOVEL “THE CHARTERHOUSE OF PARMA” BY STENDHAL

Dilnoza Kuldashевна ACHILOVA
Supervisor teacher

Uzbekistan State University of World
Languages
Tashkent, Uzbekistan
28-diya@mail.ru

Abstract

The article analyzes the translations into Russian and Uzbek of the novel by the French writer Stendhal “The Charterhouse of Parma”. This article provides some examples of translation of Khassan Turabekov. In addition, it is said about professional skills of the translator, the appropriate usage of language units that express feelings, skillful reconstruction of the protagonist of the novel-Fabricio del Dongo. This subject was being studied on the basis of the comparative-descriptive method.

Keywords: direct and indirect translation; specialization; intuition of a translator; universal feature; measures of length in translation.

Француз ёзувчиси Мари Анри Бейль – Стендал (1783–842) шоҳ асар “Парма ибодатхонаси” романининг муаллифидир. Қисқа вақт ичида (1838 йил 4 ноябрь — 26 декабрь) ёзилган бу роман Париж китоб дўконларининг пештахталарида 1839 йил 6 апрелида пайдо бўлган эди. Романга ва унинг муаллифига биринчилардан бўлиб Оноре де Бальзак юксак баҳо берди. “Ревью паризьен” журналининг 1840 йил сентябрь ойи сониди Бальзак бу романга катта бир мақола бағишлади. 124 саҳифадан иборат журналнинг ярмидан кўпроғини — 69 бетини мазкур мақола эгаллаган эди. Бальзак унда Стендални “буюк инсон” деб таърифлайди: *Бу катта аҳамиятга молик китоб ҳақида кечикиб ёзишимнинг сабаби, ўз лоқайдлигимни енгиш қийин бўлганлигидир. Аммо, уни биринчи мартаба диққат билан ўқиб чиққанамдан сўнг, бу асар бебаҳолигига иқрор бўлдим.*

Ғарб халқлари адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималарнинг аксарияти восита тил — рус тили орқали амалга оширилган. Бу ҳолат бугун ҳам давом этмоқда. Аммо таржимонларимизнинг катта камчиликларидан бири — уларнинг *универсалликларидир*, яъни турли муаллифларнинг асарларини ва турли тиллардаги асарларни таржима қилишларидир.

Сўнги пайтлари ўзбек таржимонлари орасида маълум бир *ихтисослашиш* рўй бермоқда, яъни таржимон бир муаллифнинг ижодига қайта-қайта мурожаат этмоқда. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Стендалдек буюк ёзувчининг Ўзбекистонда Ҳасан Тўрабеков киёфасида ўз таржимонининг пайдо бўлиши қувончлидир, албатта. Стендал асарларининг таржимасига қизиқиш ва ижодий ёндашишнинг асосий боиси ҳам шундадир.

“Парма ибодатхонаси” Стендалнинг Х. Тўрабеков таржима қилган биринчи асари эмас. Бу мутаржим ёзувчининг ўзбек тилида уч марта нашр этилган “Қизил ва қора” романи ҳам муваффақиятли ўгирилган эди. Ҳасан Тўрабеков “Парма ибодатхонаси”ни ўзбек тилига Н. Немчинованинг русча таржимасидан ўгирган. Ўзбекча таржимани асл нусха билан солиштирар эканмиз, унинг восита тил орқали кўшиқ куйлашга журъат этганига иқроор бўламиз. Кўшиқнинг сўзларини эса у ҳозирнинг ўзидаёқ тўқиган эди: *Мен қамоқхонага яна сизнинг дийдорингизни кўрмоқ учун қайтдим, яқинда мени суд қилишади* (2, 65).

Энди шу парчадаги айрим иборалар таржимасини кўрайлик. Қахрамон ҳолати русчадан кўра ўзбекчада аниқ берилган ва французчага монанд чиққан: *Йигит ҳам унинг дийдориға тўйиб олишиди...* (1). Бу ўринда ўзбек таржимони узоқ айрилиқдан сўнг учрашган икки ёшнинг висол чоғидаги ҳолатларини, ҳис-туйғуларини аниқ тасвирловчи зарур иборани топа олган. Агар аслиятда ва русча нусхада Клелия Фабриционинг кўзларида фақат ёш кўрган бўлса, ўзбекча таржимасида у ёш тўла кўзларни, *Йигитнинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб турганини* кўради. Рус таржимони учун бу ёшлар “улкан бахт” кўз ёшлари бўлса, Тўрабеков учун худди Стендалдек бу ёшлар “чексиз бахтиёрлик” кўз ёшларидир. Кўриниб турибдики, келтирилган парча ўзбек таржимонининг катта ютуғи.

Таржимон иккинчи даражали образларни кайта тиклашга ҳам катта эътибор берган. Бу борада маълум бир қахрамонни таърифловчи энг кичик деталларни, нозик нуқталарини ҳам уларга хос бўлган барча атамалар ва жаргонлар билан қизиқарли қилиб бера олган. Таржимон бу йўлда яхши ўзбекча муқобиллар излаган ва топа билган. Русча нусхада аёлнинг Фабрициога айтган гаплари қуйидагича берилган: *“Слушай, если у тебя еще осталось хоть немного золотых кругляшек... тебе прежде всего надо купить другую лошадь”* (3,70).

Ўзбекчада:

“Менга қара, агар.... олтин муллажирингдан озгина қолган бўлса, аввало бошқа от сотиб олишинг керак” (2,123).

Савдогарларга хос жаргонни ўзбек мутаржими муваффақиятли бера олгани мисолдан яққол кўриниб турибди. Таржимон сўзнинг эмас, балки бутун гапнинг маъносини ифодалайдиган, қахрамон нутқининг ўзига хослигини акс эттирайдиган аниқ сўз топа билган. Рус таржимонидаги

«золотые кругляшки»да нутқнинг ўзига хослиги эмас, фақат маъно сақланган.

Аслиятда таржима қилиш қийин бўлган мақол ва маталлар ҳам, турғун иборалар ҳам бор. Ҳ. Тўрабеков уларни тасвирланаётган ҳолатга, воқеага мос равишда таржима қилган. Мисол тариқасида романнинг турли бобларидан олинган айрим таржималарни келтирамиз: *“Фабрицио любил в Грианте, ... и если б не усердная помощь брата, миланская полиция никогда не обратила бы внимания на его отсутствие”* (3, 93), *“Фабрициони Гриантада жуда ҳам яхши кўришармиш... Агар акаси ўлиб-тирилиб ёрдам бермаганида, Милан полицияси унинг зойиб бўлишига ҳеч қачон эътибор бермасди”*. *“Ўша тасқарани жойи ростонига жўнатмиш истаги гўзал Мариеттага нисбатан дилимдаги мойиллика қараганда кучлироқ бўлиб чиқадиганга ўхшайди...”* (2, 118).

Агар биринчи гапда таржимон маъно сақлаш учун аниқ сўз топса, иккинчи ва учинчи гапларда она тилимизнинг бой имкониятларини кўрсатиб беради. У француз турғун ибораларини уларга мос ўзбекча иборалар билан таржима қилади.

Ҳ. Тўрабековнинг ютуғи, бу фақат “интуиция”, тажриба ва қобилият маҳсули бўлибгина қолмай, балки матн билан асарнинг ғоявий-бадий мазмуни ўртасидаги алоқани тўғри тушуна билиш натижаси ҳамдир.

“Парма ибодатхонаси”нинг ўзбекча таржимаси айрим камчиликлардан ҳам холи эмас, албатта. Масалан, романнинг биринчи қисмида Фабрицио ўзлигини топиш мақсадида узоқ сафар қилади. Бу номларни ўзбек таржимони мос равишда “Оқ тулпор” ва “Қашланғич” деб таржима қилган. Кейинчалик эса, Болоньеда Фабрицио “Пилигрим” меҳмонхонасида тўхтади. Бу меҳмонхонанинг номини эса Ҳ. Тўрабеков ўзбекчада ўзгаришсиз қолдирган. Бизнингча, бу ерда мутаржим бу номни “Саёқ” ёки “Дарбадар” тарзида берганда тўғри қилган ва асар руҳига мос иш тутган бўларди. Ахир муаллиф меҳмонхонага бекорга бундай хаёлий ном қўймаган, у меҳмонхонани бошқача аташи ҳам мумкин эди.

Русча “крест” сўзи орден маъносида қўлланилган жойда уни “хоч” дея тўғри маънода таржима қилинганлиги ҳам хатодир. Таққослаб кўринг: *“В 1821 году он прилично выдержал экзамены: его “наставник”, то есть руководитель занятий, получил крест и подарок...”* (3, 108).

Ўзбекча таржима:

“1821 йили Фабрицио битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди: унинг “устози”, яъни машғулотлар раҳбари хоч билан тақдирланди” (2, 97). Таржима қилинганлигини деярли сезмайсиз. Учала матни таққослаш жараёнида кўпгина муштарак жиҳатлар аён бўлди.

Ҳасан Тўрабеков асарнинг бош қаҳрамони Фабрицио дель Донго образини маҳорат билан қайта яратган десак муболаға бўлмайди. Таржимада у ҳатто биринчи қарашда аҳамиятсиздек туюлган деталларга ҳам эътибор берган.

Мутаржим моҳирона таржима қилган ушбу шаъма дастлаб қараганда аҳамиятсиздек туюлади. Аммо у воқеаларнинг кейинги ривожидан катта ўрин тутди. Бу воқеалар қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини белгилаб беришдан ташқари асар ғоявий мазмунини тўғри тушунишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Француз армияси офицери лейтенант Робертнинг ўғли бўлмиш ёш Фабриционинг шу армия бош қўмондонини Наполеонга бўлган буюк муҳаббатининг боисини ҳам шу ердан ахтариш мумкин. Ана шу муҳаббат туфайли Фабрицио ўн етти ёшида дель Донго хонадонини тарк этади. Наполеон лашкарлари сафида курашади. Ватерлоо яқинидаги жангда иштирок этади.

Графиня Пьетранера (герцогиня Саневрина — графиня Моска)нинг Фабрицио дель Донгога бўлган самимий муҳаббатига жавобни ҳам шу ердан излаш лозим. Аёл қалбида Фабрициога нисбатан туғилган чуқур ҳис-туғишулари китобхонларга ғайри ахлоқийдек туюлади. Ахир, Фабрицио унинг туғишган жияни — акасининг ўғли. Аммо Фабриционинг онаси маркиза дель Донго ва Жина нафақат келин ва қайинсингил, балки яқин дўст ҳамдир. Стендаль романнинг биринчи бобидаёқ бу ҳақда шундай ёзади: “... Маркиза ўша кунни далда бўлсин учун монастыр пансионатидан қайинсинглиси Жина дель Донгони чақиртириб олган экан”.

Аёнки, графиня эри граф Пьетранера ўлганидан сўнг, Грианта қасрига қайтади. Маркизанинг шу хусусидаги қуйидаги фикрлари киши диққатини ўзига тортади: “Сен менга ёшлигимнинг ажойиб кунларини қайтариб келдинг. Сен келишингдан бир кун аввал эса мен ўзимни юз ёшлик кампирдек ҳис этиб юргандим”.

Графиня қилаётган ишини жуда яхши тушунади, кимни севаётганини билди. Фабриционинг ҳақиқий отасини танийди. Унинг муҳаббати Фабрицио тақдирига жуда катта ўрин тутди. Фабриционини Аллоҳ йўлида хизмат қилишга ҳам шу аёл ундади ва шу усул билан уни ўз

ёнида олиб қолишга ҳаракат қилди. Фабрициони гильотинадан шу аёл кутқарди, унинг қамоқхонадан қочишини ҳам шу аёл ташкил этди, ҳар ерда ва ҳар доим унга раҳнамолик қилди ва ниҳоят, “*Фабрицио бандаликни бажсо келтиргач, у ҳам узоқ яшамади*”.

Мутаржим бош қаҳрамоннинг тинимсиз ва ҳаяжонли саргузаштларини, унинг қочиб юришларини, таъқиб этишларини, курашларини ўзбек тилига моҳирона ўгирган, урушнинг реалистик тасвирини тўла сақлай олган. Унга бу ишда таржимонга хос сезиларли орттирган тажрибаси ва ниҳоят, она тилимизнинг бой имкониятлари катта ёрдам берган.

Таржимон ўзбек тилининг бой имкониятларидан самарали фойдаланиб, сўз, ибора ва жумлаларни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Фикримиз исботи сифатида қуйидаги мисолларни келтириб ўтаемиз: “*крошитъ саблями*” — “*қиличдан ўтмоқ*”, “*точно бараны бегут*” — “*худди қўй подасига ўхшаб қочишяпти*” каби иборалар ва ҳатто қуйидагича “*Только пошевельсь, крышка тебе!*” — “*Қимир этиб кўр-чи, нақ пешонангдан дарча очиб қўяман!*”, “*Если заартачишься, пристрелю*” — “*Агар гинг десанг, отиб ташлайман!*”

Клелига бўлган юксак муҳаббати туфайли қамоқдан қочган Фабрицио яна қамоқхонага қайтиб келади, чунки қиздан олисда яшаш унинг учун даҳшатли азобэ ди. Клелия қалбидан ўзи эгаллаган ўша кичкина жойни йўқотиш дунёдаги яккаю ягона қувончдан маҳрум бўлиш демак эди.

Француз узунлик ўлчовларининг атамаси ҳам мутаржимга баъзи қийинчиликлар туғдирган. Асарнинг ўзбекча таржимаси муқаддимасида мутаржим француз ўлчов бирлиги *льё* сўзини айнан мос тарзда ифодалаган. Маълумки, бу Францияда 4,5 километрга тенг қадимги узунлик ўлчовидир. Таржимон асарнинг дастлабки қисмларида мазкур узунлик ўлчови номини айнан шу шакл ва мазмунда ифодалайди. Асарнинг 81 бетидан бошлаб таржимон яна *льё* сўзини қўллаган. Айрим ўринларда аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, асарнинг 93-бетида *фут* узунлик ўлчов бирлиги номи берилган. Англашиладики, мазкур узунлик ўлчови бирлиги уч хил ном билан берилган. Бу эса асарнинг шу узунлик ўлчови билан боғлиқ бўлган бадий манзараларни умумий тарзда идрок этишга тўсқинлик қилади. Шунга қарамай, французча *льё* деб берган рус таржимонидан фарқли равишда таржимон француз ва ўзбек тиллари товуш

қурилмасининг айрим ўхшашликлари, яқинликларидан унумли фойдаланиб, *льё* ёзилишини оригиналга яқинлаштирган. Аммо мутаржим бу сўзни *льё* деб берганида, аниқ товуш ўхшашлигига эришган бўларди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мазкур асарнинг ўзбек тилида нашр этилиши халқимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеадир. Асардаги умуминсоний тушунча ва фикрлар таржимада маҳорат билан асосли, тўғри ва таъсирли тарзда ифодаланган. Энг муҳими, ёзувчининг олам ва инсон, инсон ва дин муносабати хусусидаги фалсафий, диний қараш ва ғоялар, бадиий-эстетик мақсадлари таржимада нисбатан тўлиқ ўз ифодасини топган. Буни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Муайян халқ адабиётининг тараққиётида бадиий таржима муҳим ўрин тутди. Ҳасан Тўрабеков жаҳон адабиётида муносиб ўринга эга. Стендалнинг қатор асарлари, чунончи — “Парма ибодатхонаси” романини ўзбек тилига моҳирона таржима қилиб, француз-ўзбек адабий алоқалари ривожига катта ҳисса қўшди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Стендаль. Парма ибодатхонаси. — Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. — 296 б.
2. Стендаль. Пармская обитель. — Москва: Государственное издание художественной литературы. 1955. — 380 с.
3. Carraccio A. Stendhal. *Connaissance des Lettres*. — Paris: Hatier, 1974. — 223 p.

REFERENCES

1. Stendal', *Parma ibodatkhonasi* (The charterhouse of Parma), Tashkent: Publishing house of literature and art named after Gafur Gulom, 1981, 296 p.
2. Stendal', *Parmskaya obitel'* (The charterhouse of Parma), Moscow: State publication of fiction, 1955, 380 p.
3. Carraccio A., *Stendhal. Connaissance des Lettres* (Stendhal. Knowledge of Letters), Paris: Hatier, 1974, 223 p.